

ҚУМҚҰРҒОНДА ПАХТА ЙИҒИМ- ТЕРИМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Тумандаги барча фермер хўжаликларида машаққатли меҳнатлар эвазига етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Сентябр ойининг бошларидан бутун мамлакат бўйлаб босқичма-босқич пахта терими бошланди. 2022-йилги мавсум учун Қумқўрғон туманида 222 та терим отрядлари шакллантирилиб, отрядга 19373 нафар, пахта-тўқимачилик кластери ва оилавий пудратчиларнинг ишчилари ҳамда уюшмаган аҳолидан иборат теримчилар жалб қилинган.

Чунки, далаларда деҳқоннинг пешона тери, қалб қўри билан етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териби олиш даркор. Шу боис, тумандаги барча фермерларнинг диққат-этибори пахта ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишга қаратилган.